



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 17 июль, чоршанба • № 56 (10.851) • Эркин нархда сотилади.

Акс-садо

Акс-садо

ЎЗБЕКИСТОН НУРЛИ КЕЛАЖАККА ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига сафари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларда, шубҳасиз, янги босқич бўлди. Юртбошимизнинг яқинда дипломатик корпус ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган жур-

налистлар учун уюштирилган брифингда берган жавобларида ҳам ана шу фикр таъкидланди. Президентимиз сафарини эътибор билан кузатган ҳамюртларимиз ҳам тахририятимизга йўллаётган мактубларида бу таширфининг катта аҳамиятга эга бўлажаклигини ёзмоқдалар.

ДЎСТЛАР КЎПАЙГАНИГА НИМА ЕТСИН

Ҳа, инсон қадрдон дўст-ёронларсиз яшай олмайди. Мамлакатлар ҳам худди шундай. Илгари биз кимларни билар эдик? Собик Иттифоқдаги номигагина мустақил, аммо, бутун туруш-турмуши билан «оға» ҳисобланган давлатга қарам бўлган республикалар билангина иқтисодий алоқада эдик. Худога минг қатла шукурки, мустақилликка эга бўлгач, бутун дунё бизларни таниди, бизлар эса жаҳонни. Мамлакатимиз билан дўстлик, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатиш кўйида бўлган жаҳондаги деярли барча мамлакатлар билан яқин алоқа боғланди. Бу ишларнинг ҳаммаси шахсан Президентимиз Ислам Каримовнинг иштироки ва раҳбарлигида амалга ошди. Ана шунинг учун ҳам юртбошимизнинг Италия ва Америка Қўшма Штатларига қилган навбатдаги сафарини ҳамма қатори мен ҳам завқ-шавқ билан кузатдим. Зеро, Президентимизнинг чет. мамлакатларга қилган барча сафарлари Ўзбекис-

тонимиз учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан кўп манфаат келтиргани сингари, АҚШга бўлган сафар ҳам республикамизни иқтисодий ривожлантириш, бозор муносабатларини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, менда Ўзбекистон билан АҚШ хусусий компания ва фирмалари ўртасида шаклланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида катта одим ташлангани чуқур таассурот қолдирди. Кўринг-а, бугун мамлакатимизда 200 га яқин АҚШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатяпти. АҚШ ишбилармонлари билан Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб борапти.

Ана шундай алоқаларнинг кичик бир меваси сифатида АҚШдан келтирилган «Кейс» комбайнларининг вилоятимиз, шу жумладан, Бекобод ғаллазорларида етиштирилган мўл ҳосилни ўриб-йиғиб олишда алоҳида ўрин тутаётганини айтиш кифоядир. Туманимиз далаларида 13 та

ана шундай комбайн кеча-кундуз ишляпти. Улар гоёт серунумлиги, ғаллани нобуд қилмай, ўриб-янчиб бериши ва бошқа кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Дарҳақиқат «Кейс»лар деҳқонларимиз орзу қилган, уларнинг барча талабларига жавоб бераоладиган замонавий техника экан.

Президентимизнинг АҚШга сафари чоғида «Кейс» компанияси билан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ўртасида «Ўзкейсагролизинг» қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатиш бўйича қўшма корхона тузиш ҳақида битим тузилгани ҳам ғаллакорларимизнинг орзу-истакларини амалга ошириш йўлида қилинган катта ишлардан бири деса бўлади.

Дунёда мамлакатимизга дўст ва ҳайрихоҳ давлатлар сони кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Негаки дўстлар кўпайса, халқимизнинг турмуш шароити ҳам яхшиланиб, ҳаёт тарзи ўзгариб бораверади.

Ҳайрулла ПИРНАФАСОВ,
Бекобод тумани
деҳқончилик-саноат ушмаси
раиси.

ЯНГИ УФҚЛАР ОЧАДИ

энг йирик давлати ҳам Ўзбекистон билан муносабатларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлаётганидан дарак беради.

Мамлакатимиз Президентининг АҚШга таширфининг иқтисодий қисми яқунлари ҳам салмоқли бўлди. Олиб борилган музокаралар Американинг республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлаш ниятинигина эмас, бу ислохотларни ўтказишда

амалий ёрдам беришга тайёр эканлигини ҳам кўрсатди. Айниқса, қончилик, табиий қазилма бойликларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида фаол қатнашиш истагини билдирди. Бу, шубҳасиз, келажақда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг янги уфқларини очади.

Н. Умаров,
геология-минералогия
фанлари номзоди.

Вазирлар Маҳкамасида

ҲАЁТИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДАСТУР

Вазирлар Маҳкамасида 15 июль куни 2000 йилгача қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Н. Жўрабеков бошқаради.

Мажлисда мазкур дастурни бажариш бўйича республика комиссияси аъзолари, вазирликлар, идоралар ва концернлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил 21 майда «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қишлоқ иқтисодий ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган ушбу қарорда яқин тўрт йил ичида мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар аниқ белгилаб берилган. Жумладан, 1996 йилда қишлоқ жойларида янги мактаб ва тиббиёт масканларини қуриш ҳамда таъмирлаш, газ, ичимлик сув

тармоқларини барпо этиш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини бунёд этиш борасида салмоқли ишларни бажариш кўзда тутилган. Мажлисда асосий эътибор дастурни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан жорий йилнинг биринчи ярмида қилинган ишларга қаратилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов шу ҳақда маъруза қилди. Шунингдек, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, бир неча вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда янги мактаблар қуриш, қишлоқ врачлик шохобчаларининг янги лойиҳаларини яратиш, аҳолининг ичимлик сув ҳамда газга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш борасида талай ишлар бажарилгани таъкидланди. Айрим вилоятларда ушбу ҳаётий аҳамиятга молик дастурни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Гиниятуллин, К. Раҳимов, С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов иштирок этди.

(ЎЗА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

МУЗЕЙ КЕНГАЙМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ туманидаги Ўзбекистон машина синаш станциясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш тарихи музейи мамлакатда ягонадир. Бу ерда инқилобдан олдинги Туркистон деҳқонлари ишлатган омон ва бошқа иш қуролларидан тортиб, ҳозирги қудратли техника воситалари билан танишиш мумкин. Намойиш этилаётган аксарият техника фотосуратлари кишилар диққатини жалб этмоқда. Музей залига қишлоқ хўжалигида фойдаланилган машина ва механизмларни яратган олимлар, мутахассислар тўғрисидаги фотоҳужжатларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ёпиқ ва очик павильонлардан 3 мингдан кўпроқ турли хил экспонатлар, 140 тадан кўпроқ намуналар, ғўзаларга ишлов бериш ва пахтани йиғиб-териш олишда фойдаланилаётган культиваторлар, сеялқалар, териш агрегатлари жой олган.

Машина синаш станциясида АҚШдан келтирилган «Кейс» ғалла ўрадиган ҳамда пахта тарадиган комбайнлар, Германиядан олиб келинган сомон йиғадиган машиналар, Россиянинг ғалла комбайнлари синаб кўрилди. Келгусида уларнинг намуналари музей залларига эсконат сифатида қўйилади.

Пойтахтдаги олий, ўрта ва махсус ўқув юрларининг талабалари музейга келиб, амалий машғулотлар ўтказмоқдалар. Чет эллик меҳмонлар, турли фирмаларнинг вакиллари ҳам музейни қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

МАРҒИЛОНДА «МУНОЖОТ»НИ ОЛҚИШЛАШДИ

БАХРИНИСО Пардахўжаева раҳбарлик қилаётган Юқоричирчиқ туманидаги «Муножот» этнографик халқ дастаси мана 15 йилдирки, ўзининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан санъат муҳлисларини хушнуд этиб келмоқда. Хаваскорлар тез-тез пахтакорлар, чорвадорлар ва деҳқонлар хузурда бўлишиб, ўзларининг янги мусиқий дастурларини намойиш этиб келмоқдалар.

«Муножот» дастаси Янгийўл туманида ўтказилган «Алла» вилоят кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритганди. Дастаннинг бу муваффақияти уларга Марғилон шаҳрида ўтказилган республика «Алла» кўрик-танловида иштирок этиш имконини берди.

«Муножот» дастаси Марғилон кўригида «Болани бешикка белашдаги расм-русумлар», «Қатағон даврдаги алла», «Мустақил Ўзбекистон алласи» ва бошқа сахна асарларини ижро этдилар. Салима Куролова, Манзура Раҳимхўжаева, Комила Тоғаева, Ўлмасой Абдужабборовва, Шоира Тешабоева сингари дастаннинг хушовоз хонандаларининг чиқишларини марғилонликлар катта олқишлар билан қарши олишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

«ШОҲРУҲ» — ЭЛ ХИЗМАТИДА

Юқоричирчиқ тумани маркази Янгибозор кўрғонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бунинг ташаббускори хоразмлик тадбиркор йигит Аминбой Матрасулов бўлди. Аминбой Янгибозор савдо уюшмасидан икки хонани ижарага олиб, ўз ёнидан таъмирлаб, хусусий дорихона очди.


«Шоҳруҳ» дорихона қўйилган бу хусусий дорихона тумандаги бошқа дорихоналарга нисбатан арзон нархда аҳолига зарур бўлган турли дори-дармонлар сотмоқда. Дори-дармон ис-таб кирганларга Нигора Обидова, хушмуомалалик билан хизмат кўрсатмоқда.

Юқоричирчиқ аҳолиси «Шоҳруҳ» хусусий дорихонаси ишидан мамнун бўлмоқда.

Мансур ЛАТИПОВ.

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати сутчилик фермасида барча жараёнларни компьютерлар бошқаради. Бир йўла 24 та сигир соғиб олинади. Бу ишни бор йўғи икки оператор бажаради. Суратда: операторлар Сергей Зеленский (чапда) ва Юрий Волклар соғиш мосламаларини ишга туширишга тайёрламоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.





КЎХНА манбаларда, хусусан, ҳадиси шарифда «Ватаним севмоқ иймондандир» деб битилган, Ватан! Нақадар лазиз ва мўътабар сўз! Бу калима замирида фақатгина инсонга ҳос бўлган олийжаноб туйғулар ўз инъикосини топган. Ҳар бир эзгу иш Ватанга бўлган муҳаббатдан бошланади. Зеро, Ватанга меҳр-муҳаббатсиз комил инсонларни тарбиялаб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан олиб

ҚЎШИҚДАН МУРОД — ЮРТГА САДОҚАТ

қараганда кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган тадбирлар таҳсинга лойиқдир. Зеро ҳар бир соҳада: ишлаб чиқаришда деймизми, ҳоҳ адабиёт, ҳоҳ санъат, ҳоҳ кадрият бўлсин — келгуси XXI асрга ҳар томонлама етук, юртпарвар, маънавияти юксак бўлган комил инсонларни тарбиялаб етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Ўзбекистон—Ватаним маним» кўшиқлар кўрик-танлови ҳам республикамиз раҳбариятининг юритаётган доно сиёсатларидан биридир. Айниқса, бу танлов республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига ва буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилаётгани кўн-

гилларга сурур, қалбларга завқ бағишламоқда.

Мана эрта-индин «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловининг якунловчи босқичи мухташам «Туркистон» саройида бўлиб ўтади. Унда республикамиз вилоятлари, шаҳарларида голиб чиққан ижрочилар беллашадилар. Бироқ, кўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичига туманлар, ҳудудлар ва вилоят миқёсидаги танловлар зўр кўтаринки руҳда ўтказилди.

Кўшиқлар кўрик танловининг энг аҳамиятли томони шунда бўлдики, у халқимизнинг нечоғлик истеъдодларга бойлигини, унинг санъатсевар халқ эканлигини намойиш этди. Буни вилоятимиз мисоли-

да ҳам яққол кўришимиз мумкин.

«Ўзбекистон-Ватаним маним» вилоят кўшиқлар кўрик-танловининг голиби, бўқалик мактаб ўқувчиси Бахтиёр Умиров бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Албатта, туманда, ҳудудда ва вилоят миқёсида голиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Лекин, бир нарса аниқ: юқоридаги босқичларда кўп ҳолларда кўзга кўринган тажрибали «юлдуз»лар эмас, балки, санъат даргоҳига энди «атак-чечак» қилиб, кириб келаётган мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳаваскорлар голиб бўлганлиги кўпчиликни қувонтирди!

Уйлаб қоласиз, турли соҳаларда ана шундай танлов ва беллашувларни кўплаб ўтказиб

туриш керак эканда?! Зотан, бу танловлардан кўзланган мақсад — янгидан-янги истеъдодларни кашф этиш, уларни халқимизга таништириш ҳамда келгусида уларга тўғри йўналиш беришдан иборатдир.

Ёш ва янги истеъдодлар жонажон республикамизнинг келгуси тараққиётида улкан вазибаларни шараф билан урдалашига ишонгимиз келади. Энг муҳими, бугун халқимиз Ватан ҳақида жўшиб куйламоқда! Бу кўшиқдан мурод-Ватанга муҳаббат, Ватанга ишонч, Ватанга садоқат! Ёш Бахтиёрларнинг келажиги порлоқ бўлсин, муродига етсин, деймиз!

Баҳодир ҲАБИБ ВАЛИ.

Ҳосил-96

Тезкор мамбуом гуруҳи хабар беради:

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-64-95, 33-70-10, 33-90-82, 39-12-93

Ҳосил-96

Ғалла мустақиллиги учун

РЕЖА 16 КУНДА БАЖАРИЛДИ

**КҮЙЧИРЧИК тумани
ғаллакорлари дастлабки
маррага етдилар.**

— Ҳўжаликларда бу йил 12 минг 700 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирилди, — дейди туман ҳоқими Қамбарали Омонов тахририятга телефон қилиб. — Ҳўрим-йиғим мавсумига ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан киришилгани сабабли дастлабки кунларданок барча ишчи кучлари ва техника воситалари юқори унум билан ишлашга эришдилар. Ҳўрим-йиғим кеча-кундуз давом этди. Шу кунгача ҳар гектар ердан камида 35 центнердан дон янчилди. Кунни кеча ҳўжаликлар туман бўйича давлатга режадаги 25 минг тонна ўрнига 25,1 минг тонна юқори сифатли ҳосил

етказиб бериб, топшириқни муваффақиятли бажаришга эришдилар.

«Гулистон», «Тошовул», «Ўжакент», «Ўзбекистон» ва бошқа жамоа ҳўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 39-40 центнерданга тўғри келмоқда. «Гулистон» ҳўжалиги 760 гектар ердаги ғаллазорлардан ҳосилни ўн бир иш кунинда ўриб янчиб олиб, режадагидан 150 тонна ортиқ дон топширишга муваффақ бўлди. «Тошовул» ҳўжалигидан эса топшириқ тўққиз иш кунинда бажарилди. Юқори иш унуми билан меҳнат қилган комбайнчилар — «Ўжакент» ҳўжалигидан Турсунбой Ҳасанов, Зуфар Норбоев, Достон Исроилов, «Тошовул» ҳўжалигидан Бахтиёр Яҳёонов, Константин Серпентин, «Юлдуз» ҳўжалигидан Бўрон Ҳасановлар ҳамкасбларига ўрناق бўлдилар.

Ҳўжаликларда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Ғаллакорлар 22 иш кунинда ўримни тугаллаб, ялпи ҳосилни 44 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.



«УНУМЛИ»НИНГ ҲОСИЛИ УНУМЛИ БЎЛДИ

Хушхабар изидан

Илгари хабар берганимиздек, Қибрай тумани деҳқонлари давлатга 5800 тоннадан ортиқ ғалла топшириб, режаларини муддатидан илгари ошириб бажардилар ва айна кунларда яна 700 тонна дон топшириш учун курашмоқдалар.

Деҳқонларимиз яхши билишадилар. Хирмоннинг баракаси ерни экишга тайёрлаш, уруғ танлаш, саралаш ва энг муҳими бу уруғликни эрта кузда, қулай фурсатда экиб, бир текис ундириб олишдан бошланади. Туман мутасаддилари, мутахассислари ҳам ғалла мустақиллиги учун кураш бошланибдики, бу масалага ғоят эътибор билан қараб келмоқдалар. Хусусан, «Қизил шалола» тажриба ҳўжалигидан бундан уч-тўрт йил илгари ғалла уруғини тайёрлашга алоҳида эътибор берилди ва махсус жамоалар бу иш билан шуғуллана бошладилар. Бунинг учун энг яхши суғориладиган, унумдор ерлар ажратилди. Ғалланинг «Унумли», «Интенсив» навлари экилди. Олимлар билан баъмаслаҳат иш олиб борилди. Натижанда сифатли уруғлик олинди. Туман ҳўжалиklarини уруғлик билан

таъминлаш имконияти туғилди. Бу имкониятдан оқилона фойдаландилар.

Ўтган йил кузда белгиланган салкам 3 минг гектар майдонга ғалланинг ана шу синаб кўрилган ва яхши ҳосил олинган «Унумли» ва «Интенсив» навлари экилди. Ўз вақтида ундириб олинди. Қишлоқ бошланган пайтда бир текис униб чиққан ғалла майсаларининг асосий қисми ўзини тутиб олган ва туплаган эди. Ана шунинг учун ҳам қишда унча-мунча совуқ таъсир қилмади. Эрта баҳор бошланиши биланок парвариш ишлари рисо-

ларнинг ҳамкорлиги, ўзаро тажриба алмашишлар, мулоқотлар зое кетмади. «Унумли»нинг ҳосили унумли бўлди.

«Бўрота» жамоа ҳўжалиги деҳқонлари туманда биринчилардан бўлиб режани бажардилар ва ғаллани қисқа фурсатда ўриб тугалладилар. Агар туман бўйича ҳар гектаридан 35-36 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу ҳўжаликда ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. Туроб Нормухамедов, «Байтқўрғон», «Маданият», «Қизил шалола» ҳўжаликларидан ҳам ҳар гектаридан 40-42 центнердан хирмон кўтарилди. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара, оила пудрати усуллари ғаллачиликда ҳам яхши самаралар берди. «Маданият» жамоа ҳўжалигидан Ўткир Жўраев оилавий звеноси 57 центнердан, Зокир Бўронов звеноси 54 центнердан ҳосил олди. «Бўрота» жамоа ҳўжалигидан Салим Алиматов, Атҳам Курбоновлар 60-65 центнердан ошириб ғалла топширдилар.

Бундайлар ҳар бир ҳўжаликда бор.

— Туманимиз ерлари шаҳарга туташ, — дейди туман ҳоқими Мирзамашраб Куччиев, — бизда ҳар бир қарич ер ҳисобда. Шунинг учун такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олишимиз зарур. Ана шу мақсадда зуллик билан барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ғалладан бўшаган далалар пешма-пеш ҳайдалиб, чорва озқаси учун сабзавот экиляпти. 200 гектар майдонда эса кечки картошка етиштирилади. Бу ишлар ҳам жадал, ҳам сифатли ўтказилсагина мақсадга эришамиз. Ҳозир деҳқонларимизнинг бутун диққат-эътибори ана шу мақсаднинг ҳам рўёбга чиқарилишига қаратилган. Улар бу ишлари учун зоғи билан 1 августгача тугаллаш, кечки сабзавот ва такрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш, йилни яхши якунлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Айна кунларда Қибрай тумани ҳўжалиklarини далаларини айланган киши бу ҳаракат, албатта, кўзланган самарани беришига ишонч ҳосил қилади.

Носир РИХСИЕВ.

ЎРИМ ДАВОМ ЭТАПТИ

**ЮҚОРИЧИРЧИК тумани
ҳўжалиklари давлатга 16900
тонна дон топшириб режани
муддатидан илгари
бажардилар.**

Ҳўжаликларда ўрим-йиғим бетўхтов олиб борилди. Далаларда 50 та комбайн ишламоқда. Юз нафар механизатор навбати билан ғалла ўряпти. Ҳар бир комбайн билан кунига 6-7 гектар майдондаги дон ўриб-янчиб олинмоқда. Техниканинг бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида кўчма-таъмирлаш устандалари ташкил этилди, ҳўжаликларда мавсумга етарли ёнилғи жамғариб қўйилди. Ғаллакорларнинг унумли ишлаши ва яхши хордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилди. Бу ишлар айнақса «Ўзбекистон», «Ийкота» жамоа ҳўжалиklари, «Гулистон» корпорацияси, «Политотдел» акционерлик жамия-

ти, «Юқоричирчиқ» деҳқон фермерлар уюшмасида намунали ташкил этилди. Шу сабабли ҳам бу ҳўжаликларда ўрим-йиғим юқори суръатлар билан олиб борилди. Илғор ҳўжаликлар ҳар гектар ердан 30-35 центнердан ғалла янчиб олмақдалар. Энг кўп миқдорда ғаллани ўриб ва янчишга эришган комбайнчиларни ва дон ташиган транспортчиларни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигидан Рашид Ҳасаншин, Бойжон Бердикулов, Анорбой Мешеряков, «Юқоричирчиқ» деҳқон-фермерлар уюшмасидан Ботир Жунусалиев, Собир Умировлар мусобақада олинди бормоқдалар.

Ҳўжаликларда ғалладан ва сомондан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб кечки экинларни экиш бошлаб юборилди. Дон ва силос учун маккажўхори, сабзавот ва дуккакли экинлар экиляпти.

Туманда ғалла ўрим йиғими тезкорлик билан давом этапти. Ғаллакорлар ялпи ҳосилни 32800 тоннага етказишга қарор қилганлар.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

ТАБИАТ ВАСИ

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иловаси

Экология кундалиги

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

САКСОНИНЧИ автомобил корхонаси хизматидан Олмаликдаги, шунингдек, вилоятимизнинг айрим шаҳар-туманларидаги корхона, хўжаликлар фойдаланадилар. Автомобилчиларнинг мижозлар оғирини енгил, узоғини яқин қилишдаги ишлари ёмон эмас. Юкларни белгиланган манзилларга вақтида ва тўла етказиб бермоқдалар, кўпчилик буюртмачилар уларнинг хизматидан мамнун бўлишяпти.

Лекин, корхонада атроф-муҳитни мусаффо сақлаш ишларига етарлича эътибор берилмаётганлиги кишини ранжитади. Айниқса, республикамизда амалда бўлган «Ер ҳақида»ги қонун тез-тез бузилмоқда. Бу корхона ҳудудини саранжом-саришта сақламаслик, ер юзини турли мойлаш-ёнгил материаллари билан ифлослантириш, автомашиналардан чиқадиغان захарли газ-тутуннинг меъёрдан ортиқча бўлишида ва бошқа шу каби камчиликларда ўз ифодасини топмоқда. Бундай нуқсонларга кеча ёки бугун йўл қўйилаётгани йўқ. Ҳар гал корхонада экология ҳолатини текшириш ўтказилганда маълум бўлмоқда. Доим уларни бартараф этиш юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Корхона раҳбарлиги ҳар гал ваъда беришади. Бирок доим ҳам унинг устидан чиқишмаяпти.

Кейинги ўтказилган текширишда ҳам бошқа соҳалар қатори ерни асрашдаги қатор камчиликлар аниқланди. Натижада кескинроқ чора кўрилди. Корхона бош муҳандиси М. Умаров табиат муҳофазаси ишига маъсулиятли эканлигини назарда тутиб, унга жарима солинди. Айбдор ўз ҳамёнидан бир минг икки юз сўм нақд пулни чиқаришга мажбур бўлди.

ТАРТИБГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИК ОҚИБАТИДА

БЕКОБОД минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари жойларда ердан фойдаланиш тартиб-қоидаларига амал қилишнинг аҳволи билан мунтазам шугулланмоқдалар. Шу мақсадда тез-тез текширишлар ўтказишяпти. Бу ишга жамоатчилик вакиллари ҳам кенг жалб қилишга интилмоқдалар. Шу тўғрисида текширишлар натижаси самарали бўляпти.

Улар кейинги бир неча ой давомидагина ўн

иккита текшириш ўтказдилар. Айрим корхона-ташкilotларда катта-катта камчиликлар аниқланди. Бундай нуқсонлар ҳақида еттита баённома тузилди. Етти нафар ишлаб чиқариш раҳбарлари бўлган мансабдор шахсларга ҳаммаси бўлиб уч минг олти юз сўмлик жарима солинди. Улар орасида Ўзбекистон металлургия комбинати вакиллари кўпроқдир. Чунончи, цех бошлиқларидан Ю. Гаррафутдинов ҳам бор. У саноат-хўжалик ва бошқа шу каби чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, қайта фойдаланиш ва кўмишда табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилишни ўзига эп билмади ёки бефарқлик қилди. Бундай номақбул хатти-харакатлари унга саккиз юз сўмлик зарар келтирди.

Шу корхона цехларининг бирига раҳбарлик қилаётган И. Исроиловнинг лоқайдлиги туфайли табиатга келтирилган зарар кўлами бироз камроқ, деб ҳисобланди ва 600 сўм жарима билан жазоланди. Участка бошлиғи М. Отакуловнинг атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш бўйича зиммасига юклатилган вазифасини иккинчи даражали деб ҳисоблаш ўзига қимматга тушди. У ҳам олти юз сўм жарима тўлади. Омбор мудирини А. Саъдуллаев кимёвий материалларни сақлашда эътиборсизлик қилганлиги учун унга тўрт юз сўмлик жарима солинди.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН УЙ ҚУРГАНИ УЧУН

ЯККА тартибда, яна топган-тутган ўз сармоясини билан уй қуришга ҳеч қандай монёлик йўқ, мустақилликка эришганимиздан кейин бу ишга кенг имкониятлар очилди ва зарур шароитлар яратилиб берилмоқда. Бирок, бундай хайрли ишда ҳам муайян тартиб бор, унга амал қилиш эса ҳам фарз, ҳам қарз. Аввало, ҳовлида эмас, янги жойда уй қурмоқчи бўлинса, бунинг учун тегишли идоралардан руҳсат олиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш лозим.

Кейинги вақтларда амалдаги тартибларга риоя этмаслик ҳоллари онда-сонда бўлса ҳам учрамоқда. Зангиота туманида текшириш ўтказилганда шундай номаъқулчилик қилган шахслар аниқланди.

«Наврўз» ва «Назарбек» жамоа хўжаликларидан шундайлар топилди. Уйни ўзбошимчалик билан қурган фуқаролардан И. Жумабеков ва Н. Рашидовларга пулли жарималар солинди. Бу шундай йўл тутишни истаганлар учун сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

ЯНА ЛЮМИНИСЦЕНТ ЛАМПАЛАРИ ҲАҚИДА

Бу лампаларнинг ёруғи қандайдир майин ва ёқимли бўлади. Шунинг учун уларга нисбатан эҳтиёж ортиб бормоқда. Республикамизда унга талаб ҳозирги кунда 3 миллион донани ташкил этади. Вилоятимизда эса у 500 мингтага яқиндир.

Бундай лампаларнинг ёруғи яхши-ку, лекин, бир қусури ҳам бор. Уларда симоб ишлатилган. Симоб эса жуда захарли ҳисобланади. Атроф муҳитга ва инсонлар саломатлигига катта экологик ҳавф туғдиради. Шунини айтиш кифояки, битта лампадаги симоб 25 куб метр хавони «захарлаш»и мумкин.

Яроқсиз ҳолга келган лампаларни нима қилиш керак? Бу масала илгари ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллегиясида муҳокама қилинган эди. Бу муаммо бўйича белгиланган чора-тадбирлар кўрилмоқда амалга ошмаяпти. Бунинг устига чиқитга чиқаётганлари тобора кўпайиб бормоқда. Бундан бир неча йил илгари республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус фармойиши билан люминисцент лампаларни умумий ахлатхоналарга ташлаш ман қилинган эди. Айни вақтда уларни ҳисобга олиб бориш, корхоналарда хавфсиз сақлашни уюштириш буюрилган эди.

«Ўртаосиёранглиметаллсаноати» илмий-тадқиқот институти бундай лампаларни қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал қилиш бўйича бош ташкилот этиб тайинланган эди. Институт бу ишга «ТехЭКО» кичик корхонасини жалб қилди. Тошкент трактор заводининг «Рудник» кичик корхонаси ишлатилган лампаларни тўплаш, ва сақлаш жойи этиб белгиланди. Корхоналардан бундай лампаларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бирок, кейинчалик иқтисодий қийинчиликлар туфайли бу иш тўхтаб қолди.

Шунинг учун ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтган ойдаги ўз йиғилишида вилоятда фойдаланилган бундай лампаларни тўплаш, жойлаштириш ва сақлаш тўғрисидаги масалани яна бир бор муҳокама қилди. Олдиндан жойларда бўлиб, бу ишнинг аҳволи билан танишилди. Айрим корхоналар бу муаммони ўз кучлари билан ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Янгийўл шаҳридаги кўплаб корхоналар Тошкент лампа заводи билан уларнинг ишлатилганларини қабул қилиш ва алмаштириш бўйича шартномалар туздилар. Олмалик кон-металлургия комбинати, «Электромашсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар ишлатилган лампаларни тиклаш бўйича «Ўзинформагпропром» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан келишдилар. Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи мутахассислари бундай лампаларни зарарсизлантириш бўйича қурилмани яратдилар ва фойдаланишга топширдилар. Шу йўл билан ўз эҳтиёжларини тўла қондирдилар.

Коллегия мажлисида «Атмосфера» илмий-тадқиқот лойиҳалаш-технология институти директори Р. Каримов, Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводининг бош энергетиги А. Тожиевлар таркибда симоб бўлган лампаларни зарарсизлантиришнинг янги технологиялари, уларни амалда қўллаш тартиби тўғрисида гапириб бердилар. Р. Каримов институт жамоаси бу масалани ҳал қилишда баҳоли қудрат ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Шунингдек, Қирғизистон Республикасидаги Ҳайдаркон симоб комбинати люминисцент лампалардан олинган симобни қайта ишлаш учун қабул қилишга тайёр эканлиги маълум қилинди.

Мажлисида вилоятимиз корхоналарида бундай лампаларни жойлаштириш ва сақлаш масалаларига етарли эътибор берилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Фақатгина Чирчиқ минтақасида уларни ҳисобга олиш йўлга қўйилганлиги қайд қилинди.

Қабул қилинган қарорда табиатни муҳофаза қилиш бўйича минтақавий, туман қўмиталари раислари зиммасига ишлатилган лампаларни йиғиш, жойлаштириш, қайта фойдаланиш ва сақлашнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш ҳамда шу йилнинг 1 сентяб-ригача вилоятда уларни рўйхатга олишни амалга ошириш вазифаси юклатилди. Айни вақтда Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводида бундай захарли моддалар манбаларини қайта ишлаш бўйича тўпланган тажрибани кенг ўрганиш, йирик корхоналарда уни қўллаш тавсия этилди.

Бугунги кунда фақат вилоятдагина эмас, ҳатто бутун республикада ҳам фойдаланган бундай лампаларни қайта ишлашнинг кенг миқёсли усули йўлга қўйилмаганлиги учун ҳам қўмита «Атмосфера» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-технология институтига улардан қайта фойдаланиш ва зарарсизлантиришга қаратилган саноат технологиясини ишлаб чиқишни тезроқ охирига етказишни илтимос қилди. Бундан мақсад бу усулни ишлаб чиқаришга тезроқ кенг жорий қилишга эришишдир.

Қўмита коллегияси мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, чора-тадбирлар белгиланди.

ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ОҒОҲЛАНТИРИШЛАР

ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ОҒОҲЛАНТИРИШЛАР



Даврон АХМД СУРАТ-ЛАВРАСКИ

Тоғ жилваси.

• *Энг обод маҳалла* • *Ўқувчилар — табиат шайдоси* • *Қинғир ишнинг қийиғи*

ТЕЗКОР ГУРУҲ ҚАРАКАТДА

ҲАР ЙИЛИ баҳорнинг охирлари ва ёз фаслининг бошларида вилоятимиздаги сув ҳавзаларида балиқларни ов қилиш тўла ва қисман тўхтатилиб қўйилади. Чунки, шу даврда жониворлар кўпайиш учун уруғ ташлайди. Шундай вақтда битта балиқни тутиш унинг юзларча наслига завол бўлиши мумкин.

Лекин, минг афсуслар бўлсинки, унга ҳамма жойда амал қилинмайди, айрим одамлар табиатга, хусусан балиқларга зарар келтиришдан ҳайиқиймайди. Шуни ҳисобга олиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳар йили бу мавсумда табиатга шу шаклда зарар келтирувчиларга қарши кураш олиб борувчи тезкор гуруҳлар ташкил этади. Уларнинг таркибида экологлар, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари бўладилар.

Шундай гуруҳнинг бири Оққўрғон туманида ҳам фаолият кўрсатмоқда. У ўз ишини олдиндан белгиланган

аниқ режа асосида олиб бормоқда. Сув ҳавзалари бўйлаб рейдлар ўтказиб, броконьерларни фош қилмоқда. Табиат бойлигига ёмон кўз билан қараган айрим шахслар жиноят устида қўлга олиниб, уларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилмоқда.

Оққўрғон ширкат бирлашмасида хизмат қилувчи Хусан Рустамов табиат бойликларига кўз олайтирувчилардан бири бўлиб чиқди. У таъқиқланган ов қуроли-каттагина тўр билан балиқ тутаетган вақтда тезкор гуруҳ томонидан ушланди. Унинг балиқлар захирасига келтирган зарари чама-лаб кўрилганда анча катта эканлиги аниқланди. Унга бир йўла 2400 сўмдан ошқ жарима солинди. Туман фуқароси Ш. Алашовнинг балиқ овлашда жорий қилинган тартибни назар-писанд қилмаслиги унга қимматга тушди. 400 сўм пулни ҳамёнидан чиқариб беришга мажбур бўлди. Зиёдулла Ёқубов ҳам шундай қилмиши учун моддий зарар кўрди. Бўка тумани фуқароси Антон Мегай жазодан қутулиб кетолмади. Ўзини оқлашга бахона

рўқач қилишга ҳар қанча уринмасин фойда чиқмади. 400 сўм жарима тўлашга мажбур қилинди.

Қуйичирчиқ туманида истиқомат қилувчи Тохир Абдуллаев эса милтиқ билан ов қилишга одатланган. Бу иш билан вақтда шуғулланса майли-ю, лекин айрим вақтларда бебошлик қилиш, ёввойи паррандаларни меъёрда белгиланганидан кўпроқ отиб олишдан ўзини тийёлмади. Кўза кунда эмас, кунда синади деганларидек, унинг бундай «хислати» ўзича панд бериб қўйди. Қонунсиз ов қилаётганда қўлга тушди ва тезкор гуруҳ унинг ишини кўриб, жазолашни туман судига ҳавола қилди. Суд ҳукми билан «хаваскор овчи» анчагина миқдорда пул жаримаси тўлади, милтиғи эса мусодара қилинди. Унинг бундай номаъқул ишлар бўйича «ҳамкасби» Н. Жиянбеков тўқайзорларда паррандаларни ов қилиш билан шуғулланаётган вақтда тезкор гуруҳга рўбарў бўлди. Унга ҳам пул жаримаси солинди ва ов милтиғидан маҳрум қилинди. 46-автокорхона ҳайдовчиси Холтўраев

ҳам уларнинг ҳамтовоғи экан. У ўзининг очкўзлиги билан туман ҳайвонот дунёсига катта зарар келтирилганлиги маълум бўлди. Ов қилаётган жойида-жиноят устида фош этилгани учун ҳам бўйинини ҳам қилиб туришдан бошқа иложи қолмади. Унинг бу кирдикори нақд бир минг сўмлик жарима билан ўлчанди.

Тезкор гуруҳ ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар бир дарахт ҳисобда бўлганлиги учун уни руҳсатсиз кесиш мумкин эмаслигини тан олмайдиған фуқаролар ҳам йўқ эмас. Гуруҳ яқинда шундайларнинг бирини жазолади. А. Икромов номидаги жамоа хўжалиги ходими Т. Фиёсов кўкариб турган дарахтларни руҳсатсиз қирққанлиги учун моддий жазоланди.

Тезкор гуруҳ ҳаракатда экан табиат неъматларига зарар келтирувчи шахсларга шафқат бўлмайди. Улар буни эсдан чиқармасликларига керак.

Қ. ҚУРБОНОВ,

Оққўрғон тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси,

Х. АВВАЛОВ,

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

«ДАРЁ СЎЗЛАГАНДА»

МАКТАБИМИЗДА экология тарбияси самарадорлигини ошириш учун бу ишнинг дарсдан ташқари турли усуллари ва шакллари билан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлаб ўтказилаётган кечалар шулар жумласидандир. Вақти-вақти билан уюштирилаётган бундай тадбир мавзули бўлиши билан диққатга сазовор. Ўқувчиларимиз ёзги таътилга чиқишлари арафасида шундай кечаларнинг бири ўтказилди. Унинг мавзусини «Дарё сўзлаганда» деб белгиладик. Ангрён дарёсининг ҳозирги ҳолатини тадқиқот қилишга бағишланган бу тадбир олдиндан оби-ҳаёт манбаи бўйлаб экскурсиялар уюштирилди, унинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ўрганилди. Талабалар турли мавзуларда маърузалар тайёрладилар ва кечада дарёнинг тарихи, ифлосланиш даражаси, қирғоқлари емирилишининг олдини олиш зарурлиги ҳақида куюнчаклик билан гапирдилар. Бундай кечалар бошқа мавзуларда ҳам ўтказилиб турипти.

Ўқувчиларимизнинг фаол ёрдами билан мактабда «Ёш табиатшунослар бурчаги» ташкил этилган. Ўлкашунослар музейимиз ишламоқда. Ўқув юртимиз жойлашган Қизил Шарқ маҳалласида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан ўтказилаётган тадбирларда талабаларимиз албатта қатнашадилар. Уларнинг яқиндан берган ёрдами билан теракзор ва ёнғоқзор яратилди. Олди тераклар иморатбоп бўлиб қолган, ёнғоқлар эса нишона меваларини бермоқда. Туманимиз ва вилоятимизда ёш табиатшуносларнинг ўтказилаётган кўрик-танловларида ҳам ўқувчиларимиз муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Бизнинг мактабимиз бу йил туманда уюштирилган шундай тадбир голибларидан бири бўлди. Ўқувчимиз Ҳамия Набиева эса вилоят ёш экологлар беллашувида зоология соҳаси бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Мактабимиз талабаларининг экологик тарбиясини яхшилашга ёрдам берадиган барча имкониятлардан фойдаланиш бундан буён ҳам эътиборимизда бўлади.

Ҳосият ҲОЗИЕВА,

Қуйичирчиқ туманидаги С. Раҳимов номли 26-ўрта мактабнинг катта ўқитувчиси.

«ДЕҲҚОНОБОД» маҳалласида истиқомат қилувчилар бу сўзларни доим қизиқиш билан кутадилар. Бу эшиттиришлар асосан маҳаллага оид янгиликлар, юз бераётган ўзгаришлар ҳақида боради. Айниқса, ахлоқ-одоб, оила турмуши, қайнона-келин ва бошқа шу каби мавзуларда берилаётган эшиттиришлар маъқул бўлмоқда. Қутлуғ ёшга кирганлиги ва инсон ҳаётида бўладиган шунга ўхшаш қувончли воқеалар билан табрикланади. Қисқаси, у маҳалла маънавий-маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб қолган. Тўрт юздан ортиқ хонадонда радио ўрнатилган.

«Деҳқонобод» Янгийўл туманидаги энг намунали маҳаллардан ҳисобланади. Бу ерда 450 хонадон бўлиб, уч минг уч юздан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Агроф юқори даражада ободонлашган, аҳолининг маданий турмуш кечирishi учун кўп қулайликлар яратилган. Тоza ичимлик суви билан тўла таъминланган, тўрт жойга ўрнатилган газ тарқатиш пункти барча хонадонларга қулай «зангори олов»ни етказиб бермоқда. Ҳамма уйлар электрлаштирилган, кўчалар қишин-ёзин чароғон.

Ўнлаб хонадонларга телефон

алоқаси симлари тортилган. Уларнинг ҳаммаси бевосита шаҳарлараро сўзлашиш учун мослаштирилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолига турли-туман маданий-маиший, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатувчи муассасалар ҳам бор. Тиббиёт пункти аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Мавжуд шинам чойхона-

алоқаси симлари тортилган. Уларнинг ҳаммаси бевосита шаҳарлараро сўзлашиш учун мослаштирилган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолига турли-туман маданий-маиший, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатувчи муассасалар ҳам бор. Тиббиёт пункти аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Мавжуд шинам чойхона-

да чойхўрлик қатори турли маданий тадбирлар уюштирилиб турилади. Сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, дорихона, хусусий новвойхона мунтазам ишламоқда. Маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор берилади. Маҳалла кўмитаси раиси Ҳасанбой Эралиев раҳбарлигида кўчалар, ҳовлиларда саранжом-саришталик, санитария ва гигиена талабларига риоя қилинишига эришилмоқда. Ҳар бир ҳовлида иккитадан махсус ўралар ковлаб қўйилган бўлиб, уларнинг бирига оқавалар

Кўрик-танловга тавсия этилганлар

— мағзава оқизилади, иккинчиси эса супуринди, ахлатлар ташланади. Уларнинг усти албатта қопқоқ билан ёпиб қўйилади.


Хонадонлар ўртасида тозалик бўйича мусобақалар ташкил этилган. Унда голиб чиққанларни дарвозаси пештоқига «Намунали ой-

риоя қилиш, жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бориш, аҳоли, биринчи навбатда ёшлар ўртасида тиббий-ҳуқуқий билимларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари мунтазам олиб борилади. Кейинги тўрт-беш йил ичида бирор киши ҳам юқумли касалликлар билан оғримади. Чақалоқларнинг оламдан кўз юмиши ҳоллари умуман учрамайдиган бўлиб қолди. Шу давр ичида маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир бўлмаганлигини мамнуният билан эътироф этгинг келади.

Маҳалла кўмитасининг бошқаларга ибрат бўладиган шунга ўхшаш ишларини яна давом эттириш мумкин. Юқорида келтирилган факт ва мисолларнинг ўзини етарли деб ҳисобласа бўлади. Янгийўл тумани ҳокимлиги, Янгийўл табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўмитаси, туман санитария-эпидемиология станцияси ва «Янгийўл» газетаси «Деҳқонобод» маҳалласини республика миқёсда давом этаётган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик танловига тавсия этишларининг боиси ҳам шунда.

М. МАҲМУДОВ.

«МАҲАЛЛА РАДИОТАРМОҒИДАН ГАПИРАМИЗ»



Оромбахш водий кўрки завол топмасин

БАҲРА ОЛГАНДА, УНУТМАНГ...

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан давлат кўриқоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, дендрарий боғлари алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради. Бўстонлик туманида ҳам ана шундай миллий боғлар бор.

Бўстонлик Тошкент вилоятидаги энг катта ер майдонида эга бўлган туманлардан биридир. Унинг умумий майдони 493 минг гектарни ташкил этади. Шундан 456 минг гектари Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг асосий қисмини ташкил этади. Бошқача айтганда, Бўстонликни тўлалигича давлат миллий табиат боғи, деб айтиш мумкин.

Давлат миллий табиат боғининг низомига кўра боғ ҳудудида қишлоқ хўжалигида ва бошқа соҳаларда захарли дориларни, ҳар хил кимёвий ва портловчи моддаларни сақлаш, жойларда экологик текширувдан ўтмай, келишмасдан туриб қурилишлар, ер қавлаш ва текислаш ишларини олиб бориш, боғ ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда ёқилғи сифатида мазут ва дизел ёнилғисидан фойдаланиш, кўрсатилган вақтлардан ташқари ҳайвон ва балиқ овлаш, ҳар қандай кўкариб турган даракларни кесиш қатъиян тақиқланади. Кўмитамиз ноziрлари ҳам ўз ишларини юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб олиб бормоқдалар.

Туманимиз тоғолди минтақасида жойлашганлиги учун унинг хўжаликлари асосан боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланадилар. Деҳқончилик қилинадиган ерлар эса кўп эмас — 11 минг гектарни ташкил этади. Сабзавотчилик ва картошқачиликда аммиакли селитрани қўлланиш ман этилган. Бу ҳақда хўжаликларнинг мутахассислари қаттиқ огоҳлантирилиб, улардан тилхат олинган. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз асосан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишга ҳаракат қилаяптилар. Хўжаликлар йилига 55-

60 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрлаб, далага олиб чиқишяпти. Иккита жамоа хўжалиги минерал ўғитлар ишлатмасликка, «экологик тоза» маҳсулот етиштиришга ўтказилган. Умуман туман хўжаликларида азотли ўғитларни қўлланиш кейинги уч йил ичида 600 тоннага, захарли дориларнинг ишлатилиши икки бараварга қискарди. Учта хўжаликда икки йил давомида тупроқ анализи олиниб, унинг таркибида кимёвий моддалар миқдори текшириб бориляпти. Яқин кунларда хўжаликлар учун биоумус тайёрлаб берадиган кичик корхона иш бошлайди.

Ўрни келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, хўжаликларда ишлатилиши ман этилган ва ишлатилиши муддатлари ўтиб қолган захарли дорилар ҳамда улардан бўшган идишлар анчагина йиғилиб қолди. Бироқ уларни кўмиш ишлари ҳал бўлмапти. Бўстонликқа миллий табиат боғи мақоми берилганлиги туфайли бун-

дай нарсаларнинг сақланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу долзарб муаммо вилоят миқёсида ҳал қилиниши лозим.

Кейинги пайтларда туманда яқка тартибда хўжаликлар олиб борувчилар учун кўплаб ерлар ажратилди. Улардан ҳамма жойда кўнгилдагидек фойдаланилмай деб бўлмайди, албатта. Қурилиш материалларининг қимматлашиб кетганлиги туфайли хўжаликлар маҳаллий материаллардан фойдаланишга ҳаракат қилаяптилар. Оқибатда эса кўплаб ёғочбоп дараклар кесилиб кетяпти, сув ҳавзаларидан эса қум-шағал пала-партишлик билан қавлаб олинапти. Ваҳоланки, дарактни кесилдан олдин ўрнига ёш ниҳол экиш, қавлаш ишларини эса маълум лойиҳа асосида режаллаб олиб бориш керак. Бинокорлик ташкилотлари ҳам табиий текин қурилиш материалларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳаракат қилаяптилар. Бунга ҳотима бериш учун

қум-шағал қазиб чиқариш ва уларни буюртмачиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи ягона корхона ташкил этилди. Туман ҳокимининг маҳсул қарори билан барпо этилган бу ташкилот режали равишда қавлаш ва кейин ерни текислаш (рекултивация) ишларини амалга оширади. Унинг жамоаси 1995 йил давомида аввал бузилган 30 гектар ер майдонини шу йўл билан қайта фойдаланишга топширди.

Туманимиздаги катта муаммоларнинг яна бири — бу чиқиндилар муаммосидир. Бизда биттагина расмий ахлатхона мавжуд бўлиб, бу ерга бутун туман бўйича чиқиндилар олиб келинади. Ёз мавсумида иш бошловчи 270 дан ортиқ дам олиш масканлари ҳам ўз супуриндиларини шу ерга тўқади. 10 гектар ер майдонида эга бўлган ахлатхонанинг ҳам 70 фоизи тўлган.

Авваллари бу ахлатхона назоратсиз бўлиб, ҳар доим тутаб ётар, ат-

рофлари ўйдим-чуқур бўлиб кетган эди. Кейинги пайтда кўмитамизнинг бир неча марта ёзма кўрсатмаларидан сўнг коммунал хўжалиги раҳбарлиги уни тартибга келтириш бўйича айрим ишларни амалга оширди. Жумладан, ахлатхонада назорат постлари ташкил этилди, йўллар асфальтланди, фойдаланиладиган техника воситалари кўпайди. Чиқиндилардан қоғоз буюмлари ва металл қисмлари ажратиб олина бошлади. Қолган чиқиндиларни бостириб борилиши йўлга қўйилди.

Ҳудудимизда собиқ Устасарой қонидан қилиб кетган марғумушли қолдиқлар сақланиб келинмапти. Бир неча ёзма кўрсатмалардан кейин бу захарли чиқиндининг ҳозирги «эгалари» — Бурчмулладаги «Олмос» заводи қурилиш ишларини амалга ошириш учун лойиҳаларни тайёрлаб, маблағлар ажратди. Лекин, кейинги иқтисодий қийинчиликлар ва бунинг оқибатида корхона иш фаолиятини тўхтаб қолиши бу тадбирларнинг ҳам су-ст бажарилишига олиб келди. Режалаштирилган ишларнинг 70 фоизи 1995 йил давомида бажарилди. 1996 йилда марғумуш қолдиқларининг усти умуман ёпилиб (биологик рекултивация қилиниб) кўкаламзорлаштирилади.


Сув ҳавзаларининг бўйларига Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари томонидан аввалдан эгаллаб келинган ерларда режалаштирилган дам олиш масканлари қурилиши бошланиб, ўлда-жўлда қилиб кетди.

Бўстонликнинг ноёб табиатини асраб-авайлаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси қатори тупроғини ҳам муҳофаза қилиш, сув ҳавзаларининг мусоффолигини таъминлашимиз лозим. Авлодларимизга унинг қиёфасини, ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолатида сақлаб қолишимиз зарур.

Бу ҳаммаимизнинг, шу жумладан, бу ерга келиб дам олувчиларнинг ҳам бурчидир. Бўстонликқа чиққан унинг латофати, ҳусн-жамолидан баҳра олганда шунинг унутмаслигимиз керак.

И. АҲМЕДОВ,

Бўстонлик тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ер манбалари муҳофазаси бўйича давлат ноziри.



Бўстонлик йўлларида.

Даврон АҲМАД сурати.

ДАВРА СУХБАТИ КИЗИҒИН ҲАҚИДА

Ҳозирги вақтга келиб таркиб топган ижтимоий-экологик аҳвол ниҳоятда мураккаблиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда уни енгилаштириш учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Бу хайрли ишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган «Экосан» халқаро жамғармаси ҳам қатнашмоқда.

Халқаро жамғарма шу йўналишда матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда ва уни муттасил кучайтирмоқда. Қаламқашлар билан учрашувлар ўтказиш ва экологик аҳволни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни биргаликда муҳокама қилиш яхши анъана бўлиб қолди.

Яқинда шундай тадбирларнинг янча бири уюштирилди. «Ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида» давра суҳбати ўтказилди. Унда «Экосан» ҳайъати ва журналистлар уюшмаси аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ташкилотлар ва корхоналар, диний идоралар вакиллари, эколог-олимлар, газеталар, журналлар, телевидение ва радио редакторлари, мухбирлари, Ўзбекистонда акредитация қилинган чет эл ахборот агентликларининг ходимлари қатнашдилар.

Давра суҳбатига «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Ю. Шодиметов маъруза қилиб, республикамизда, айниқса, Орол бўйида вужудга келган экологик аҳволни чуқур таҳлил қилди, уни яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида, бу хайрли ишда халқаро ва айрим чет эл мамлакатларининг турли хил фирмалари, жамғармалари, ташкилотларининг иштироки, четдан жалб қилинаётган сармоялар ва бошқа шу каби масалалар ҳақида тўхтади. Шу билан бирга маҳаллий ахборот воситалари ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишга қўшаётган ҳиссаси ва унинг салмоғини ошириш учун «Экосан», илмий-тадқиқот ва бошқа жамоат, ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатига сўзга чиққан «Экосан» халқаро жамғармаси журналистлар уюшмаси раиси Р. Фарходи, Ўзбекистон Республикаси Халқ партиясининг биринчи котиби А. Жалолов, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари таҳририятининг бош муҳаррири А. Жўрабоев, «БВВ» газетаси бош муҳаррири ўринбосари А. Семёнов, академик, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг бўлинимаси мудири, «Экосан»нинг Тошкент клуби раиси ўринбосари Б. Тошмухамедов, «Экосан» халқаро жамғармаси хотин-қизлар уюшмаси раиси Д. Фуломова ва бошқалар оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлган қатор фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар; «Экосан» хабарлари» газетасини ташкил этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Давра суҳбати охирида республика экологик мавзу бўйича энг яхши журналистик иш кўрик-танлови гоилибларига мукофотлар топширилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ОҚАВАЛАР ТОЗАЛАНМОҚДА

Чорвоқ кўргони тобора шаҳар тусига кириб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш-хўжалик бинолари қатори маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар кўпайиб, ҳудуди кенгаймоқда. Оқибатда оқава сувлар ҳажми ҳам муттасил ортиб борапти. Яқин-яқинларда ҳам бундай об-ҳаёт етарли тозаланмай Чирчиқ дарёсига оқиб тушаверарди. Экологлар бундай лоқайдликка қарши бонг кўтардилар.

Шундан кейин муттасил идоралар оқава сувларни тозалаш имконини берадиган биологик ҳовузларни қуришга киришдилар. Қисқа мuddатда шундай зарур иншоот барпо этилди. Унинг оқава ўтказиш қуввати анча катта. Ҳар куни ўн минг куб метр атрофидаги ифлос сувни тиндирилмоқда. Бу билан кўргон бўйича ифлос оқаваларни сув манбаларига оқизиш тўла барҳам топди.

Ч. ИВАНОВА.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ


«Табиат ва инсон» саҳифалари материалларини қизиқиб ўқиб бораман. Бебаҳо табиий бойлик — сув ҳақида, ундан фойдаланишдаги тежамкорлик ва исрофгарчилик ҳақидаги мақола-хабарлар ҳамма сонда бериб борилади. Мен вилоятда бир йилда қанча ҳажмда об-ҳаёт ишлатилишини билишни истардим.

В. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ангрен шаҳри.

Вилоятимиздаги асосий сув манбалари дарёлардир. Улардан қишин-ёзин тўхтовсиз оқадиган об-ҳаёт бебаходир. Ахир беш миллион атрофидаги аҳоли шу билан тирик. Саноат, қишлоқ хўжалиги ҳам ҳар йили сувни жуда кўп ишлатади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда ҳар йили биргина пойтахт вилоятимиз фойдаланаётган сувнинг умумий ҳажми 6,5 миллиард куб метрни ташкил этади. Уни соҳалар бўйича тақсимлайдиган бўлсақ қуйидаги манзара ҳосил бўлади. Сувни бошқа тармоқларга қараганда энг кўп қишлоқ хўжалиги ишлатади. Деярли учдан икки қисм сув, яъни 4 миллиард куб метрдан ортиқроғи деҳқончилик ва боғдорчиликка тўғри келади. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун икки миллиард куб метр атрофида сарфланади. Хўжалик-рўзғорда ишлатиладиган қисми 290 миллион куб метрни ташкил этади.

Бироқ сув захиралари ҳам чексиз эмас. Шунинг учун ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳатто бир томчиси ҳам бекорга исроф бўлишига йўл қўймаслик лозим. Зеро уммон ҳам шу томчилардан ҳосил бўлади. Сув ҳам сув, унинг бир томчиси ҳам сув эканлигини ҳеч вақт унутмаслик лозим.



Бу ажиб дунё • Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг • Фаройиботлар

**ТИРИК ИЧИДА
ТИРИК ЖОН**

БУНГА ишониш қийин, бироқ, шундай ғайритабиий ҳодисалар кам бўлса ҳам учраб турибди. Бельгияда нашр этиладиган «Суар» газетасининг ёзишича, Индонезиядаги Борнео оролининг шарқий қисмида жойлашган касалхоналардан бирининг шифокорлари тўрт кунлик чақалоқ танасида унинг эгизаги эмбриони борлигини билиб қолдилар. Аввалига янги туғилган чақалоқнинг қорин

қисмида шиш пайдо бўлган деб ҳисоблаган шифокорлар уни операция қила бошладилар. Бироқ, фаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишгандан ўзлари ҳам хайратда қолдилар. Операция давомида 50 грамм вазнли ҳамда бўйи 8 сантиметрли хомилани аниқладилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, хомилаларнинг боришида бир хомиланинг иккинчиси ичида ривожланиши тиббиётга маълум.

**25 ЙИЛ ОЛИБ
ЮРГАН...**

БРАЗИЛИЯДА яшовчи 62 ёшли

Антония душ Празейреш хоним чорак аср давомида ўзида мумиёга айланиб кетган 20 сантиметр ўлчамли хомилани олиб юрган.

Ресифи (Шимолий-шарқий штатнинг пойтахти Пернамбуку) клиник касалхонасининг жаррохи Эдмундо Феррашнинг гапига қараганда, хомила «25 йил илгари мумиёга айланиб қолган». Унинг фикрича, 1,3 килограмм хомиланинг скелети беморга зарар келтирмаган, чунки у мимиланиш жараёнига мубтало бўлганлиги учун ҳеч қандай захарланиш юз бермаган. Шифокорлар радиологик тадқиқотлар ўтказиш натижасида бу скелет борлигини

аниқладилар. Чунки, Антония ошқозони атрофида оғриқ борлигидан шикоят қиларди.

**ИНСОННИНГ ЭНГ
ЯҚИН ДЎСТИ ҲАР
ҲОЛДА КИМ?**

МЕЛБУРН тиббиёт илмий тадқиқот институтининг мутахассислари чўчка деб ҳисобламоқдалар. Бунда нимага асосланишяпти? Уларнинг аниқлашича, инсоннинг касал аъзоларининг кўпчилигини чўчкани билан алмаштириш мумкин экан. Бу ҳайвоннинг юраги, жи-

гари, буйраги, ўпкаси ва ошқозон ости безини инсонга олиб ўрнатса бўлади ҳамда улар бемалол ишлаб кетади.

Шуни ҳисобга олиб, Австралияда генетик соғлом чўчкаларни кўпайтиришга киришдилар. Бундан мақсад уларнинг ички аъзоларини одамларга кўчириб ўрнатишдир. Фақат бундай чўчка фермаларининг жойини ҳозирча махфий сақламоқдалар. Улар одамлардан эмас, ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамятлари қаҳрдан кўрқмоқдалар.

**МИННАТДОРЛИГИНИ ШУНДАЙ
ИФОДАЛАДИ**

Бу воқеа Тула вилоятининг қишлоқларидан бирида содир бўлди. Шахсий фермер хўжалиги эгаси уйда йўқлигидан фойдаланган куролли ўғриллар ҳовлида ўзларига ташланган овчаркани отиб ташлаб, фермер умр йўлдошининг кўкрагига тўплонча тирадилар-да, ундан бор пулу, олтин буюмларни олиб чиқишни талаб қилдилар. Аёл бор-йўғини босқинчиларнинг бирига топшира бошлади. Иккинчи ўғри эса уйнинг юқори қаватига чиқиб, омадини синамоқчи бўлди. У зинадан кўтарилиб, ётоқхона эшигини очган ҳам эдики йирик қора чақмоқ унинг кекирдагига ёпишди — бу ўғрининг умрида энг охириги кўрган нарсаси бўлди. Баҳайбат ит эшик орқасида писиб туриб, босқинчига отилди ва кўз илғамас даражада чаққонлик билан унинг кекирдагини узиб ташлади.

Туполон ва хириллашни эшитган иккинчи босқинчи ўз қурбонини шериги назоратига топшириб юқорига кўтарилди. У ўз оғайнисининг қонга булғаниб ётганини кўрди. Кейинги воқеа яшин тезлигида содир бўлдики, ҳеч нарсани пайқай олмади. Баҳайбат доғ уни ҳам кекирдагини узиб ташлади. Ит пастга-эгасига ёрдамга югуриб тушди-да, қутилмаган учинчи меҳмонни ҳам «ўлдирди».

Граф лақабли бу доғ зотли итни эр-хотин фермерлар олдинги эгаси итдан ва умр йўлдошидан ажралиб, оғир иқтисодий аҳволга тушиб, ҳатто итни боқишга ҳам имкони қолмагандан кейин эгасининг илтимоси билан олиб келишган эди. Ит вафодор, деб шунга айтишар экан-да. Оч-наҳор қолган итни олиб боққан фермерларга жониворнинг миннатдорлиги ифодаси шундай бўлди, деб ёзади «Труд» газетаси.

**ВАЗНИ 29,5 КИЛОГРАММИ...
МУШУК**

УНИ катта Боб деб чақиришади. Бундай мушуклар умуман бўлмаган дейилса хато қилинмайди. Ҳатто мушук вазнининг шундай оғирликка етишига ишониш ҳам қийин. Лекин бу бор ҳақиқат. Катта Боб йўлбарсга ҳам ўхшайди, «қадди-қомати» унча-мунча йўлбарсникидан қолишмайди.

Унинг эгаси 62 ёшли Хосе Санчас Майямада (АҚШ) яшайди, гўштни қайта ишлаш заводида меҳнат қилади. Унинг айтишича, сеvimли жонивори ҳар куни уч килограммдан сосиска ер экан. Шундай бўлгач у семирмай ким семирсин. Эгаси музқаймоқ еяётганини кўрган мушук унинг иккинчи томонидан тили билан ялашга тушади, пивони ҳам хуш кўраркан. Жаҳонда тенги йўқ бу уй мушуги гавдасининг бошқа кўринишлари ҳам хайратомузидир. Белининг йўғонлиги 117 сантиметр бўлиб, бўйинининг йўғонлиги 43 сантиметрға етган.

Йириқликда унга яқинлашадиган яна бир мушук Пусс 17,5 килограмм вазнга эга. У Копенгагенда (Дания) яшайди ва ҳар куни 2,5 килограмм хом балиқни паққос туширади. Ўтмишда ҳам катта вазнли мушуклар бўлган экан. Уларнинг бири 21 килограмм тош босган. 1986 йилда у ўн йил яшаб ўлган.

ТИРНОҚЛАРИ 7 САНТИМЕТР

Швецияда истиқомат қилувчи Пия исмли 27 ёшли аёл ўз бармоқлари тирноқларини ўстириб, Гиннес китобга тушишга аҳд қилди. Шу мақсадда турмушга чиқмади, мол ҳам боқмади, гулларни парвариш ҳам қилмади. Йиллар давомида маникюр қайчилари ва атрофдагиларнинг кесатиклари остида тирноқларини ўстиришни тўхтатмади. Ниҳоят Пия мақсадига эришди—тирноқларининг узунлиги етти сантиметрға етди. Узининг узун тирноқлари билан машҳур бўлиб кетган Пия ухлаганда ҳам қўлларини осилтириб ухларди. Шундай қилиб у рекордга эришди, энди қирқса керак, чунки, бўлажак куёв-тура шуни истамокда.



Биз ҳам «йўлбарс» авлодидан...



«Янги оила»

Даврон АҲМАД олган суратлар.

**КЎРШАПАЛАКЛАР
ҲОСИЯТИ**

УЧАР қонхўр кўршапалаклар кишиларга кўрқув солган. Улар қонни сўради, деб ҳисоблаб келинган. Бироқ, бу паррандалар бизга юрак хасталиқларига қарши курашда яқин ёрдамчи бўлиши мумкинлиги эҳтимоли ҳам бор.

Пенсильвания (АҚШ) дорилунослари кўршапалакларнинг бундай фойдали сифатларини биринчи бўлиб аниқладилар. Маълум бўлишича, учар кўршапалаклар сўлагининг ажайиб мўъжизаси бор экан. Унинг таркибиде қоннинг қуюлишига тўсқинлик қилувчи модда бор. Шунингдек, у қонни суюлтиради ва тромбаларнинг ўпка, юрак ва миёга етиб боришидан олдин сўрилиб кетишига олиб келади.

Аслини олганда, учар қонхўр кўршапалаклар ҳайвонлар қонини сўрмайди, фақат яшайди. Улар ўзларининг ўткир майда тишлари билан қурбонларининг терисини ёради ва жароҳатни сўлаги билан ялайди. Сўлак оғриқни сездирмайди ҳамда антикоагулянт вазифасини бажаради. Оғриқ сезиш қобилиятини йўқотган жонивор ҳатто чаққанини ҳам сезмайди. Антикоагулянт эса қонни суюлтиради ва у овқатланишда данғаса-ҳисобланган кўршапалакларнинг оғзига оқиб тушаверади.

**ТУХУМНИНГ ПЎҶОҒИ
ҲАМ ДАВО**

ИНСОНДА камқонлик касаллиги, шамоллашга мойиллик, аллергия билан оғриш, радиация таъсирига қаршилиқнинг сусайиши ва бошқа шу каби хасталиқларга берилиш — шуларнинг ҳаммаси танада кальцийнинг етишмаслиги оқибатида содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай ҳолатда тухум пўчоғи ёрдам бериши мумкин, чунки, у бу моддага бой бўлади. Ҳатто, пўчоғи радионуклидларни танадан чиқарувчи ғоятда фойдали восита ҳам ҳисобланади. Шу туфайли ундан радиоактив билан зарарланган жойларда самарали фойдаланиш мумкин.

Кальций алмашиш жараёнини аънавий тиббиёт усули билан тартибга солиш жуда мушкул ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тиббиётда шу мақсадда фойдаланилаётган дори-дармонлар (хорлашган кальций ганч, бўр)ни тана жуда ёмон ўзлаштиради. Тovuқнинг 80 фоизи кальций карбонатидан иборат бўлган тухумнинг пўчоғини эса жуда осон

ҳазм қилади. Бунинг устига унинг таркибиде тана учун керакли бўлган барча микроэлементлар, шу жумладан, мис, фтор, темир, фосфор, олтингурут, кремний, рух ва бошқалар — ҳаммаси бўлиб 27 та элемент бўлади.

Ҳар куни тухум пўчоғини ёшга қараб 1,5 граммдан 3 граммгача тановул қилиш лозим.

**ШАҲАРДА ЯШАГАН
МАЪҚУЛ**


БМТ Оврупо учун иқтисодий комиссиясининг маълумотларига қараганда, жаҳондаги шаҳар аҳолисининг сони 1950 йилдаги 733 миллион кишидан 2,26 миллиард кишигача кўпайган. Янги минг йиллик бошларига келиб курраи замин аҳолисининг тахминан ярми шаҳарлар минтақаларида яшайдиган бўлади. Ҳозирги вақтда Оврупода фақат Португалия ва Албания қишлоқ аҳолиси кўпчилиги билан мақтаниши мумкин. Бу мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Швеция, Люксембург, Германия, Дания, Буюк Британия, Исландия ва

Бельгияда шаҳарликлар барча аҳолининг 80 фоизини ташкил этадилар.

Шаҳар аҳолисининг кўпайиши, аввало, экологик муаммоларни юзага келтиради. Комиссия маърузасида қайд қилганидек, Оврупонинг бир миллион аҳолиси бўлган шаҳри ҳар куни 25 минг тонна карбонат ангидрид газини ишлаб чиқаради, 300 минг тонна оби ҳаёт ишлатади, 1600 тонна қаттиқ чиқиндилар чиқаради. Шаҳарларда транспорт қатнови мушкуллашмоқда. Оврупо шаҳарларининг 38 фоизиде гавжум вақтларда автомобиллар соатига 19 километр тезликда юради, холос.

Маърузада инсон ҳалокатиға олиб келувчи кўча ҳодисалари кўп бўладиган шаҳарлар рўйхати ҳам келтирилган. Унда Франциянинг Бордо шаҳри биринчи бўлиб туради. Милан, Белфаст, Ганновер ва Барселона шаҳарлари ундан кейинги ўринларни эгаллаган. Москва, Киев, Тирана ва Венеция рўйхат охирида туради.

Ушбу саҳифа материалларини Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.



Жума — маърифат куни

ЯХШИННИНГ ШАРОФАТИ...

Пойтахтдаги «Турон» номли вилоят кутубхонасида таниқли адиб ва журналист Мақсуд Қориев билан учрашув бўлиб ўтди.



Суратда: учрашув пайти.

Даврон АХМАД олган сурат.

МАҚСУД ака Абдулла Қодирий, Фитрат, Мақсуд Шайхзода сингари ўнлаб улугъ ёзувчиларимизнинг қадами теккан бу муборак даргоҳга илгари ҳам кўп келган. Гоҳ ижодий зарурат юзасидан, гоҳ бирор муносабат билан уюштирилган учрашувга, гоҳида эса оддий китобхон сифатида... Лекин бу гал кутубхона эшиги эрта тонданок фақат у киши ва унинг мухлислари учун ланг очиб қўйилди! Чунки бу ерда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ҳамда вилоят маданият ишлари бошқармаси ва «Турон» кутубхонаси жамоаси ташаббуси билан сеvimли ёзувчи таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ижодий учрашув ўтказиш режалаштирилган эди.

Халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, таниқли адабиётшунос олимлар Собир Мирвалиев, Наим Каримов, фан доктори Ҳикмат Собиров ва бошқа азиз меҳмонлар ҳамроҳлигида даврага кириб келган Мақсуд Қориевни вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан йиғилган мухлислар самимий оқлишлар билан кутиб олдилар.

— Мақсуд Қориевнинг ижодий услуби ўзига хос, — деди сўзга чиққан таниқли олим, филология фанлари доктори Собир Мирвалиев. — У публицист сифатида ҳамisha жанговар, ҳозиржавоб, дадил, тили эса ўткир. Ёзувчи сифатида эса мутлақо бошқа олам — бадий асарлари гўё қўшиққа айланади. Тили нозик ва эҳтиросларга бой! Ёзувчининг «Турналар баланд учди», «Жийда гуллаганда», «Ойдин кечалар», «Афросиёб гўзали», «Ой тутилган тунда» сингари қиссаларини ўқиган китобхон шак-шубҳасиз, бизнинг бу фикримизга қўшилади. Мақсуд ака нафақат ажойиб журналист ва адиб, балки ўз даврида етук жамоат арбоби ҳам эдилар. Унинг «Қизил Ўзбекистон» декатта газетага раҳбарлик қилиши, қатор газета ва журналларни ташкил этишда хисса қўлиши, шу жумладан «Тошкент ҳақиқати» газетасида яхши аъёнларнинг вужудга келишида бош-қош бўлиши бу инсоннинг ниҳоятда катта қалб эгаси эканлигидан далолат бериб турибди. Мен Мақсуд акани даврнинг турли чиғирларидан, ёмғир-буронларидан чидам билан, дадил

ўтиб келган бахтли инсон деб билман.

— Жуда тўғри! — дея олимни қўллаб-қувватлади Одил Ёқубов. — Дунёда ёзувчи ҳам, шоир ҳам кўп. Лекин халқ меҳрига сазовор бўладигани, оламдан кўз юмиб кетганидан кейин ҳам «фалончи ёзувчи» деб эсланадигани кам! Лекин Мақсуд Қориев чинакамга ўз мухлисларини топган, китобхонларнинг самимий муҳаббатини қозонган омадли адиб, у аввал бошда ёшлар ҳаёти, ишқ-муҳаббат, инсоний кадр-қиммат мавзудаги қиссалари билан ўқувчилар қалбига кириб келган бўлса, кейинчалик қатор бадий тарихий асарлари билан адабиётимизга муносиб улуш қўшмоқда. Унинг «Сўғд ўғлини», яқиндагина босмадан чиққан «Ибн Сино» романлари шулар жум-

ласидандир. Мен табиатан ниҳоятда камтар, дўст-биродарларга меҳрибон, қадами етган жойни яшнатадиган файзли дўстимизга бундан кейин ҳам улкан ижодий муваффақиятлар тилайман, ҳаётида ҳамisha хотиржамлик, соғлиқ-омонлик бўлсин.

Адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов, иқтисод фанлари доктори, пойтахтдаги 22-ўрта мактаб директори Ҳоким Хошимов, «Наврўз» ҳайрия жамғармасининг раиси Дадахон Ёқубов ва бошқалар ҳам ёзувчи тўғрисида ўз дил сўзларини баён қилдилар, унинг ижодига муносабат билдирдилар, шеърлар ўқидилар.

Шундан сўнг «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов сўз олиб, айни пайтда бир ижодий муҳитда меҳнат

қилаётган Мақсуд Қориевнинг газетига қўшган ва қўшаётган хиссаси ҳақида тўхталиди. Газета жамоаси номидан унга ва яқинда етмиш ёштини нишонлайдиган ёзувчи Одил Ёқубовга эсдалик совгалари топширди.

— Мен аввало журналистман, — деди учрашув ниҳоясида сўзга чиққан Мақсуд ака. — Дўстим ва устозим, улкан адиб Одил Ёқубов таъкидлаганларидек, биз ёзувчи ва журналистлар эски даврда жуда қийин шароитда ишлаганмиз. Лекин барибир одоб-ахлоқ, маънавият, адабиёт ҳақида материаллар бериб боришга ҳаракат қилганмиз. Худога шукр, етмишга кириб қолсак ҳам, мустакиллик шарофати билан дилчимиздагини бемалол айта оладиган ва ёза оладиган кунларга етишдик. Халқимиз бошига келган бу ҳурлик, бу саодат

энди мангу бўлсин деб ният қиламиз.

Учрашув қатнашчиларининг илтимоси билан ёзувчи ҳаёт сабоқлари ҳақидаги битикларидан намуналар ўқиб берди. Мана улардан айримлари:

Гулшандаги чамандек очилиб ётган гуллар жамоллида ҳаётнинг гўзаллигини, умрнинг қисқалигини кўрдим.

Ҳаёт иншо дафтари эмаски, уни оққа кўчириб ёзсанг...

Мени гирдобга олишганда қардон дўстим жимгина қараб турди, ўша нигоҳ мен учун тошдан ҳам оғир эди...

Муҳаббатдан мосуво бўлсанг, энг яхши хиссиётлар бирин-кетин сени тарк этгай...

Бировга ҳасад қилгандан кўра, менга ҳам шундай бахт бер, деб ният айла!...

Агар учрашувни олиб бораётган вилоят маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи Зоҳид Солиҳов: «... бошқа саволлар бўлмаса, навбатни бошқармамиз қошидаги «Сарбон» гуруҳи санъаткорларига берамиз ва шу билан кечамизни яқунлаймиз» демаса хали-бери ҳеч ким ўрнидан қимирлайдиган эмасди. Санъаткорларнинг дилрабо куйи ва қўшиқлари даврага янада файз киритиб юборди. Самимий эҳтиромлар ва оқлишлар билан кутиб олинган меҳмонларни ана шундай дилтортар куй-қўшиқлар билан кузатиб қолдилар.

Бу даргоҳ — аслида ҳам эзгуликка эшик очадиган муқаддас даргоҳ. Яхшининг шарофати билан очилган бу эшик ортида ҳамisha яхши из ва яхши хотиралар қолади. Ана шу маънода, ёзувчи Мақсуд Қориев, Одил Ёқубов сингари эл ардоқлаган адиблар ташриф буюрган бу учрашув узок вақт мухлислар қалбига сақланади ва хотирланади. Учрашув давомида адиблар куюниб-суюниб тилга олган ва бошқалар дилига жойлаган маърифат нурлари эса халқимизнинг маънавий турмушида эзгуликка хизмат қилади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

Газетхон таклифи

ХАРИД НАРХИНИ ОШИРИШ КЕРАК

Иш юритишни қоғозсиз тасаввур қилиш қийин. У ҳар кун, ҳар соҳада керак. Нархи эса тобора қимматлашяпти. Оддий идора қоғозининг нархи 60 тиён, 250 вараги 150 сўм, ўқувчилар дафтари эса 5 сўм...

Қоғоз тақчиллигини бартараф этиш йўлларида бири

иккиламчи қоғоз хом ашёсини қабул қилишни яхши йўлга қўйиш ва уни қайта ишлаш эканлиги кўп бор айтилди. Магбуот орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Айрим корхона, муассаса, фуқаролар томонидан ишлатилиб бўлинган қоғозларни ёқиб юбориш ҳоллари ҳамон давом

этмоқда. Уларни тўплаш, тегишли жойларга топширишга бефарқ қаралмоқда. Шу тариқа бу қимматбаҳо хом ашё кўп-кўп исроф этиляпти.

Нима учун шундай бўляпти? Менинг фикримча асосий сабаб қоғоз чиқиндиларини қабул қилишда жуда паст нарх белгиланганлигидир.

Баъзи аҳолидан макулатура қабул қилиш шохобчаларида 6 килограмм қоғоз чиқиндиси нархи 11 сўмлик бир бўлак кир совун, 15 килограмм қоғоз тўплами учун эса нархи 25-30 сўмлик битта болалар кўйлаги айирбош қилиниши мумкинлиги ёзиб қўйилган. Демак, 1 килограмм макулатуранинг харид нархи 2 сўмга ҳам етмайди.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 229-ўрта мактаб томонидан Ҳасанов Анвар Бахромонович номига берилган UZA 085080 рақамли йўқолган аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қоғоз тўплаш, топшириш кўпчилик учун фойдасиз ва самарасиз юмушга айланиб қолган.

Қоғоз хом ашёсининг харид нархини ошириш ҳақида мутасадди ташкилотлар яна бир ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, муштарий.

«ЎЗБЕКНАВО»
гастрол концерт бирлашмаси
«ТУРКИСТОН» САРОЙИНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА
17 июль соат 19.00 да
УСТОЗ ВА ШОГИРД

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
ФАХРИДДИН УМАРОВ
Ўзбекистон халқ артистлари:
КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ
ГУЛОМЖОН ЁҚУБОВ
лирик хонанда
ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ

«ЎЗБЕКИСТОН» ашула ва рақс ансамблининг раққосалар гуруҳи иштирокида
КОНЦЕРТ
Дастурни — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 33-73-10, 35-71-00.

ҚОҒОЗ, ТАХТА КЕРАКМИ?
МАРҲАМАТ! ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборидан пул ўтказиш йўли билан ЁКИ ВЕКСЕЛЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ **СОТАДИ:**

эни 84 см.ли газета қоғози;
эни 84 см.ли А—4 русумдаги ёзув қоғози;
115 г/м русумдаги ялтироқ қоғоз;
калька-андоза олиш қоғози;
миллиметрларга ажратилган махсус қоғоз;
қоғоз қутилар учун мўлжалланган картон;
крафт қоғози;
ўров қоғози;
чети кесилиб ишлатишга тайёрланган қалинлиги 4 ва 5 см. ли сифатли тахталар;
220 В, 2кВт кучланишли, оғирлиги 60 кг. ли мўъжаз электростанциялари.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(3712) 78-24-18, 74-24-85.

Яккасарой туманидаги «БАҚҚОЛ ЛТД» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Ҳамза Умаров кўчаси, 10-уйда қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманидаги «ДОДА-САН-ЖАР» хусусий фирмасининг йўқолган
ДУМАЛОК МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 226-ўрта мактаб томонидан Сурайё Аҳмеджоновна Курбонбекова номига берилган Д-790011 рақамли йўқолган
АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек туманидаги «ЗАРНИГОР» кичик корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 54-23-70 рақамли телефон буйича қабул қилинади.

Мирзо Улугбек туманидаги «ЗАРНИГОР» кичик корхонасининг
МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзбекистон» давлат-хиссадорлик корпорацияси жамоаси Чорбоғ сув омборининг ҳужалик хисобидаги балиқ овлаш бўлими бошлиғи Йўлдош Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси
Унсун ХУЖАМЕТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТАОМ БИЛАН МУОЛАЖА

Тибет шифо-корлигида таом билан даволаш, овқат рецептлари ва муаммолари муҳим ўрин тутадди. Тибет шифо-корлиги билан таниш мутахассислар дастурхонимизга қуйидаги таомларни тавсия қиладилар.

Билиб қўйган яхши

- ҲАР КУНИ ичиладиган ярим пиёла янги соғилган сут оғир нафас олишни даволайди. Сутли бўтқа ҳам ана шундай шифо хусусиятига эга. Тибетликларнинг айтишича, сут ва сутли бўтқа тановул қилиш билан кунни бошлаган экансиз, кечкурун ҳам шундай таом тановул қилинг. Ёши қирқдан ошган кишилар ҳар куни ақалли бир неча қошиқ бўлса ҳам сутли манна бўтқаси ейишлари лозим. У суяк, эт ва ошқозон-ичак йўлига яхши таъсир кўрсатади.
• Урик баргаги инсон баданига

- куч-қувват беради.
• Кучсиз кишилар чўртан балиқдай қилинган шўрвани тановул қилишлари лозим. Балиқда натрий ва фосфор моддалари кўп бўлади.
• Ёнғоқ, майиз ва пишлоқни ҳар куни истеъмол қилсангиз, асаб тоналари яхшиланади, чарчашдан, бош оғриғидан халос бўласиз, юрак мушаги мустаҳкамланади, жигар касалликлари барҳам толади. Бир ўтиришда 30 грамм ёнғоқ, 20 грамм майиз, 20 грамм пишлоқ истеъмол қилиш етарлидир.
• Сузма — ажойиб озуқа. Ҳар

- куни 100 граммдан истеъмол қилинса, атеросклероз, юрак ва жигар касалликларидан халос бўлиш мумкин.
• Гипертония, аёллар касаллиги ва томоқ безлари шисининг бошланғич даврида лимон ва апельсин истеъмол қилиш фойдалидир. Яримта лимонни пўчоғи билан қириб, шакар аралаштиринг. Ҳар куни бир чой қошиғида уч марта истеъмол қилинг.
• Ертут (земляника) жигардаги тошни кетказди. Ҳар куни ярим пиёладан олти марта истеъмол қилинг.
• Олма подагра ва томирлар касаллигига дево.

- Петрушка қон қуйилиши олдини олади, қон касалликларига даво бўлади. Йил бўйи истеъмол қилиш лозим.
• Қора қарағатда йод моддаси фоят кўпдир. Буқоқ билан оғриган кишиларга истеъмол қилиш тавсия этилади. Бир килограмм қарағат ва бир килограмм шакарни аралаштиринг-да, кунига бир чой қошиқдан уч марта истеъмол қилинг.
Тўғри, ҳозирги кунда бундай мева-чеваларни харид қилиш учун кўпроқ пул керак. Бироқ, сихат-саломатлигингизни тикламоқчи экансиз, сарф-ҳаражатдан асло қочманг.

Ўз муваффақиятларидан қониқмаслик фақат руҳан заиф, ирода-сиз кишиларгагина эриш туюлиши мумкин. Ҳормай меҳнат қилишга ўрганиб қолган, ҳаётда ўз йўлини мустақил қурайдиган, бу соҳада «қандайдир бир олий мартабали тоға» сига суянмайдиган кишилар, бокс тили билан айтганда, очик жанг олиб борадилар. Шу боисдан ҳам улар ҳаётда жуда кўп нарсага эришадилар, одамлар ўртасида обрўга эга бўладилар, ёлғиз қолган вақтларида ҳам улар ўз виждонларига тик боқа оладилар. Бунга эришиш учун биринчи навбатда киши ўзига нисбатан низоҳатда талабчан бўлиши керак яъни сўз санъаткори Афзалиддин Ҳоконий таъбири билан айтганда:

Бир вазир бўлиб эгри юрмоқдан — Бир пиёда бўлиб тўғри юрмоқ афзал.

Катта спортда эришилган муваффақиятлар билан мақтанчи яшаш мумкин эмас. Харакатсизлик — кўп нарса йўқотишга: йўқотиш — қоқоқликка, қоқоқлик эса ўйиндан табиий равишда чиқиб кетишга олиб келади.

Комусий билимларга эга бўлган олим, шоир ва замонасининг тенги йўқ шатранж яъни шохмат устаси Ас-Сулийнинг ёзишича, аббосий халифалар шатранжни севганлар ва шохмат ўйновчиларни илғор кишилар қаторига қўйганлар. Дарҳақиқат, ўрта асрларда ҳам Шарқ зиёлиларининг маданий машғулотларидан бири шохмат бўлган, «кучли шохматчилар шухратга сазовор бўлганлар. Машҳур тарихчи Хондамир бир асариде: «... Али Табризий шатранж илимидан шу қадар воқиф

эдики, бошқалар уни устод деб билардилар. Ҳатто ғойибона ҳам зўр ўйнардди. Амир Темур мажлисларида у ҳамisha ўйнардди» деб ёзади. Бу шохматнинг низоҳатда қадимги спорт турларидан бири бўлганлигидан, ўша даврлардаёқ илм ва санъат даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Шохмат бўйича жаҳон чемпиони деган унвон ҳамisha фавқуллода истеъдод маъносиде шон-шухратга бурканиб келган. Бу бежиз эмас. Тождор бўлишга ёрқин талантидан ташқари, яна юксак ақл-идрок, туғма иқтидорга эга ва

Лондонга юбориб турилганлиги юксак даражадаги шохмат баҳсларига ўша вақтларда ҳам эътибор кучли бўлганлигидан далолат беради.

Бинобарин, шохмат санъати бобида юксак ижодий намуналар яратилган қодир гроссмейстерлар Анатолий Карпов билан Гата Камский ўртасидаги баҳс кейинги 5-6 ҳафта давомида бу ажойиб олам шинавандаларининг диққат



марказида бўлганлиги бежиз эмас.

Дастлабки 3 учрашувнинг 2 таси гоҳ у, гоҳ бу томоннинг ўткир зарбалари оқибатида поёнига етганлиги баҳс низоҳатда қизиқарли бўлишидан далолат эди. Бироқ 4-6 ва 7-партиянинг жаҳон чемпиони фойдасига ҳал бўлганлиги, ҳарқалай, Карповнинг имкониятлари юқори оқибатдан дарак бўлди. 9-ўйинни ҳам бой берган ёш америкалик гроссмейстер, энди баҳсни йиғиштирса ҳам бўлади, деган фикрлар пайдо бўлиб турган бир пайтда Г. Камский навбатдаги 10-учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, муҳлислари кўнглида қандайдир умид учқунлари пайдо қилди.

Матчда ўйналиши лозим бўлган 20 партиянинг тенг ярмиси тождор фойдасига 6,5 — 3,5 эканлиги ҳам

Карповни дуранглар минтақасида донда суришга ундамаганлиги, кураш жараёнидан жой олмаганлиги аққол кўришиб турибди. Бироқ, натижанинг қандай бўлиши фақат бир томоннинг хоҳишигагина боғлиқ эмас. Шу боис навбатдаги 3 партия турли йўллар билан битим чиқаришга келди. 14-учрашувда яна муҳим галабани кўлга киритган Карповнинг кейинги партияда оқ донлар билан ташаббусни янада кучайтиришга интильмай, дурангга рози бўлганлиги хариғига, чамаси, куч-қувват бағишлагандай бўлди. 16-партияда Карпов одатда, осойишта вазиятларга олиб келувчи янги ҳинд ҳимоя усулини ишга солиб, бир пиёдасиз қолган бўлса-да дуранг қилиш учун яхши имкониятларга эгадек бўлди. Аммо, Камский кўзга чалинмас восита-ю имкониятларни кўлдан бой бермай, учинчи галабасини нишонлади. Ҳисоб Карпов фойдасига 9,5 — 6,5 бўлиб, низома кўра чемпионликини сақлаб қолиш учун унга қолган 4 партияда атиги 1 очко олса кифоя қиларди.

Анатолий Карпов барвақт 10,5 : 7,5 ҳисобида голиб келиб жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди. ФИДЕ Президенти К. Илимжонов ўз Ватани — Элиста шаҳрида ўтказилган юксак даражадаги бу беллашув учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилганлиги иштирокчи-ю, кузатувчиларга манзур бўлганлиги рост. Низома кўра таъсис этилган соврин 2 миллион долларнинг 3/2 қисми голибга, қолгани эса мағлубга берилди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ, шохмат-устаси, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони.

Кубок ўйинлари

ПЕШҚАДАМДАН ЗЎРЛИК ҚИЛИШДИ-Ю...

ҳақиқатан ҳам «Дўстлик» жамоаси Наманганда «Навбахор»га қарши ҳужумкор ўйин кўрсатди

МАМЛАКАТ биринчилиги олий табақаси жамоалари биринчи дарага яқин ясаб, нафас олиб улгурмаёқ биллур соврин учун курашни бошлаб юбордилар. Чорак финалга чиқиб, сараланган 8 кучли жамоа сафиде вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» жамоаси футболчилари ҳам бор. Қуръага кўра улар чорак финалнинг дастлабки ўйинини Наманганда «Навбахор» билан ўтказишди. Чемпионатнинг 15 ўйинида 13 та галаба қозониб, атиги 2 ўйинни дуранг қилган «Навбахор» ўз майдонида галабага ишонч руҳида тушди. Ҳақиқатан ҳам мезонларни руҳан қувватлаб туришди. Бироқ биринчилигининг кейинги турларида ўзини ўнглаб, кучли олтинликдан жой эгаллаб турган «Дўстлик» ҳам шу кунни кўтаринки руҳда ўйнади. Биринчи бўлимда Жафар Ирисметов икки бор мезонлар дарвозасини хавф остида қолдирди. Вақти-вақти билан ҳужумга ўтиб тур-

ган Павел Жалилов ҳам дарвозани нишонга олди. Ярим ҳимоячи Владимир Гальянов ҳар ерда ҳозир-нозир бўлиб ҳужумчиларни тўп билан таъминлаб турди. Бу футболчимиз устозлари топширигини аъло даражада удалади. Владимир мезонлар марказий ҳужумчиси Дмитрий Батинковнинг эркин ҳаракат қилишига йўл қўймади. «Дўстлик» ҳимоячилари Юрий Винтовкин, Рустам Шоймардоновлар ҳам Зафар Мусабоев билан Олег Шацколар ҳаракатларини пучга чиқариб туришди. «Навбахор» ўйинчилари катта қийинчилик билан гоҳо-гоҳо «Дўстлик» жарима майдонини ериб кириб дарвозамизга тахлика солганда Герман Безденежний хушёрлик кўрсатди. Отабек Пирматов, Фарид Хабибуллинлар ҳам имкон бўлди дегунча яқин ва узоқ масофадан «Навбахор» дарвозасини нишонга олиб туришди. Маҳаллий муҳлислар гарчанд «Навбахор»га ён босилмасин мезонларнинг чиройли ҳужумига ҳам тан бериб турдилар.

Кескин кураш остида ва меҳмонларнинг қўли баланд ҳолда ўтган бу ўйинда ҳисоб очилмади. «Дўстлик» пешқадамдан зўрлик қилдию, бироқ имкониятлардан фойдалана олмади.

Ўзбекистон футбол федерациясида ҳар галги ўйинлардан сўнг мутахассислар, ҳакамлар ўртасида ҳам фикр-мулоҳазалар бўлади. Қайси жамоа яхши ўйнадию, қай бири ёмон ўйнади, ўйингоҳдаги тартиб интизом, ҳакамлар ҳаракати ҳақида гал боради. «Навбахор» — «Дўстлик» баҳсига назоратчи ҳакамлик қилган республика тоифасидаги ҳакам Анатолий Коваленко Намангандан қайтган, мазкур учрашувда «Дўстлик» устунлик қилганлигини таъкидлади.

ҲУРМАТЛИ ФУТБОЛ МУҲЛИСЛАРИ!

СИЗЛАРНИ 29 июлда «Дўстлик» ўйингоҳида бўладиган «Дўстлик» — «Навбахор» жамоалари ўртасидаги кубок ўйинига таклиф қиламиз. Учрашув соат 18 да бошланади. Ҳурматингизга албатта келинг. Шу кунни Сиз мавсумнинг энг қизиқарли учрашувларидан бирини томоша қиласиз.

Кубок учун қолган чорак финал ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Нефтчи» — «Нурафшон» — 6:1, «Чилонзор» — «Пахтакор» — 1:5, МХСК — «Трактор» — 5:3.

Кубок беллашувларининг чорак финал жавоб ўйинлари 4 августда бўлади. Бироқ «Дўстлик» футболчилари 30-июлда Германияга жўнаб кетишлари ва у ерда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишлари муносабати билан «Дўстлик» — «Навбахор» ўйини 29 июлга кўчирилди.

Намангандан кўтаринки кайфиятда қайтган вилоят футболчилари ўз майдонларидаги жавоб учрашувларида устун келиб, кубок сари голибона қадам ташлаш ниятидалар. Жамоа мураббийлари Рустам Мирсодиқов ва Маҳмуд Раҳимовнинг ҳам, барча футболчиларнинг ҳам нияти шу!

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Турфа олам «ЭРОС» БИЛАН УЧРАШИШНИ КУТАЯПМИЗ

ИТАЛИЯНИНГ Пиза шаҳридаги университет ва Франциянинг Мовий қирғоғида жойлашган расадхона астрономларининг маълумотларига қараганда, кўраи заминимизнинг йирқи астероид билан тўқнашиши эҳтимоли 50 фоиз сақланмоқда. АҚШ яқинда шу астероид томонга космик зонд юборганининг сабаби ҳам шунда.

Бироқ, Белгияда нашр этиладиган «Суар» газетасининг таъкидлашича, бу тўқнашув фақат 100 миллион йилдан кейин юз бериши мумкин, балки, миллиард йил ўтган юз берар. Астероид «Эрос» деб аталган. Унинг узунлиги 40 километр бўлиб, кенглиги эса тўққиз километр. У амалдаги назарияларга мувофиқ қачонлардир Еримиз тўқнашган ва катта офатга сабаб бўлган шундай осмон jismidan анча йириқдир. Италия ва Франция олимларининг бундай хулосалари компьютер маълумотларига асосланади. Компьютер келажақда астероиднинг ҳаракати ва унинг ер билан «ўзаро муносабатларининг» мумкин бўлган саккаиз сценариясини ишлаб чиқди.

ҒАРОЙИБ ЁДГОРЛИК

ШУНАҚАСИ ҳам бўлар экан. Жаҳонда ахлатхонага ўрнатилган ягона ёдгорлик... яқинда Туркияда тантанали равишда очилди. Стамбулнинг Босфор қўлтиғи яқинидаги Умрание туманида жойлашган ахлатхона шундай шарафга муяссар бўлди. Унинг ёпилганига уч йил бўлган бўлса ҳам мамлакатнинг энг йирик бу шаҳрида яшовчи 10 миллион аҳоли уни даҳшат билан эслайдилар.

Бу воқеа 1993 йилнинг 28 апрелида содир бўлган эди. Ҳақиқатан ҳам унинг тарихидаги ахлатхонага қараб бунинг сабабчиси бўлди. Бундан бамисоли кучли зилзиладаги қабри унга яқин жойлашган камбағаллар яшовчи даҳалар кучли силкинди. 11 та уй тўла вайрон бўлиб, харобалар тағида ўттиз тўққиз киши ҳалок бўлганди. Шаҳарликлар бу ахлатхонани «турк Чернобили» деб бежиз аташмаган эди. Унинг юзага келишида айбдор деб ҳисобланган Стамбул мэри ва Умрание маъмурияти бошлиғи судланувчилар курсисида ўтиришди.

Чилонзор туманидаги «Ланжар — СТ» хусусий фирмасининг йўқолган думалок муҳри ва штамп

Акмал Йкромов туманидаги «Бизнес мудабир» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг йўқолган думалок муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ • Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Бош муҳаррир: Фотхиддин МУҲИДДИНОВ • Матбуотчилик: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32. • Шахоналар: 33-99-15, 36-57-27. • Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.